


Аллоҳагина бандалик қилиш



19:00 / 23.12.2025 599

﴿الْمُهَيَّبِينَ مِنْ أَنَا وَمَا إِذَا ضَلَلْتُ قَدْ أَهْوَاءَ كُمْ أَنْبِئْ لَأَقُلَّ اللَّهُدُونَ مِنْ تَدْعُونَ الَّذِينَ أَعْبَدَ أَنْ نُسَبِّتُ إِلَى قُلِّ﴾

«Сен: «Мен Аллоҳдан ўзга сиз илтижо қилаётганларга ибодат қилишдан қайтарилганман», - деб айт. «Сизнинг ҳавойи нафсларингизга эргашмасманки, у ҳолда шубҳасиз, адашган бўламан ва ҳидоят топганлардан бўлмай қоламан», - деб айт (Анъом сураси, 56-оят).

Аллоҳ таоло ушбу оятда Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга амр этиб, мушриклар билан орани очиқ қилиб:

«Сен: «Мен Аллоҳдан ўзга сиз илтижо қилаётганларга ибодат қилишдан қайтарилганман», - деб айт», - демоқда.

Бундан маълум бўладики, дин-диёнат, ақийда-иймон масаласида ўрта йўлни тутиш, келишиб, бировларнинг розилигини эътиборга олиб иш тутиш йўқ экан. Мушрикларнинг шундай бир келишувга ҳаракат қилганлари тарихдан маълум ва машҳур. Улар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Сен бизнинг худоларимизни эътироф қилсанг, биз ҳам сенинг Аллоҳингни эътироф этамиз. Сен бизнинг худоларимизга ибодат қилсанг, биз ҳам сенинг Аллоҳингга ибодат қиламиз», – дейишган.

Мусулмончиликда икки ёки кўп хўжайинга қул бўлиш йўқ. Одамлар ўзларини яратган ягона Аллоҳгагина бандалик қилишлари лозим. Бошқа ҳеч нарсага ва ҳеч кимга ибодат қилиш мумкин эмас. Эътибор билан қарасак, оятда **«сиз илтижо қилаётганларга»** деган истилоҳ ишлатилган. Бу жумла жонсиз бут-санам, ҳайкалларнигина эмас, жонли одамларни ҳам ўз ичига олади. Демак, ширк деганда, фақат бут ва санамларни тушунмай, жонли – ақлли шахслар ҳам тушунилар экан. Аллоҳни қўйиб, бут-санамларга чўқинган одам мушрик бўлганидек, Аллоҳнинг буйруқларидан подшоҳ, амир, ҳоким ва бошқаларнинг амрларини устун қўйган киши ҳам мушрик бўлади. Шунингдек, Аллоҳнинг розилигини топишга урина туриб, яна бошқа тарафнинг Аллоҳ таолонинг хоҳишига зид бўлган йўриқларини амалга ошириш ила унинг розилигини топишга уриниш ҳам ширк ҳисобланади.

«Сизнинг ҳавойи нафсларингизга эргашмасман»

Албатта, ҳаттоки оддий инсонлар ҳам қилиши мумкин бўлмаган нарсаларни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қилишлари мутлақо дуруст эмас. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло у кишига:

«...у ҳолда шубҳасиз, адашган бўламан ва ҳидоят топганлардан бўлмай қоламан», – деб айт», – дея марҳамат қилмоқда.

﴿الْفَصْلَيْنِ حَبْرٌ وَهُوَ الْحَقُّ يَقْضِي لِلَّهِ إِلَّا الْحُكْمُ إِنَّ بِهِ تَسْتَعْجِلُونَ مَا عِنْدِي مَا يَهْدِي وَكَذَّبْتُمْ رَبِّي مَن بَيَّنَّتْ عَلَيَّ إِنِّي قُلُّ﴾

«Сен: «Албатта, мен Роббимдан (берилган) очиқ-ойдин ҳужжат узрадирман. Сизлар уни ёлғонга чиқардингиз. Сиз ошиқаётган нарса менинг ҳузуримда эмас. Ҳукм фақат Аллоҳнинг Ўзига хосдир. У ҳақни жорий қилур. У ажрим қилувчиларнинг энг яхшисидир», – деб айт (Анъом сураси, 57-оят).

Ҳақ таолонинг илоҳлик ҳақиқатларини баён қилиш давом этмоқда. Ушбу оятда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга мушриклар билан орани очиқ

қилиб олишда керак бўладиган гаплар ўргатилди.

Биринчидан, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам даъватларини, эътиқодларини, амалларини «очиқ-ойдин ҳужжат» асосида олиб бормоқдалар.

«Албатта, мен Роббимдан (берилган) очиқ-ойдин ҳужжат узрадирман».

Бу очиқ-ойдин ҳужжат ердан чиққани йўқ, балки осмондан тушган. У одамлар қабул қилган ҳужжат эмас, олам ва одамлар Робби, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Робблари томонидан нозил қилинган ҳужжатдир. Мушрик-кофирларнинг эса ҳеч қандай ҳужжатлари йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки улар Роббларини ёлғонга чиқариб қўйганлар.

Иккинчидан:

«Сиз ошиқаётган нарса менинг ҳузуримда эмас».

Мушриклар шошилаётган нарса эса – талаб қилинган мўъжиза келганидан сўнг, азобни тушириш. Бу иш Пайғамбарнинг қўлидаги иш эмас. Унинг имкони ҳам йўқ, вазифасига ҳам кирмайди. Чунки

«Ҳукм фақат Аллоҳнинг Ўзига хосдир».

Ундан бошқа ҳеч ким ҳукм қила олмайди. Ҳатто Аллоҳга энг яқин бўлган Пайғамбар ҳам бунда иштирок эта олмайди.

«У ҳақни жорий қилур».

Ҳақ ҳукм чиқариб, ким ҳақ, ким ноҳақ эканини аниқловчи қози ҳам Аллоҳнинг Ўзи:

«У ажрим қилувчиларнинг энг яхшисидир, - деб айт».

Демак, бундай ишлар илоҳлик хусусиятидан бўлиб, фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига хосдир. Пайғамбарлик вазифаси эмас.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 22 октябрдаги 02-07/6395-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.